

## Ўзбекистон — Туркия:
# ТАРИХИМИЗ, ДИНИМИЗ, ТИЛИМИЗ ВА МАДАНИЯТИМИЗ УЙҒУН ХАЛҚЛАРМИЗ



## МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАҚСАДЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда 380 га яқин ўзбек талабалари Туркиядаги таълим муассасаларида ўқишларини давом эттирмоқдалар.

Бу талабалар ўқишни битиргач, ўз мамлакатларига фойда келтиришларига ва халқларимиз ўртасида янги ҳамкорлик кўприкларини ўрнатишларига ишонамиз.

Туркия ва Ўзбекистон икки буюк мамлакатдир. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик минтақамизнинг тараққиётига, фаровонлигига, тинчлик ва барқарорлигига ҳисса қўшмоқда ва яна ҳисса қўшишда давом этади.

Ўзбекистоннинг оқил йўлбошчиси Ислом Каримовнинг 1994 йил июн ойида юртимизга қилган расмий сафари мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлигини янада жадаллаштирди.

Июл ойи бошида қардош Ўзбекистонни илк бор зиёрат қилишдан чуқур ҳаяжондаман. Марказий Осиёга қиладиган бу илк сафарим чоғидаги музокараларда икки томонлама муносабатларимизни ва ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришни жадаллаштириш йўлларини излаймиз.

**— Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида илгари имзоланган ҳужжатларнинг амалдаги ижроси, хусусан, Туркия тарафидан қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Туркия ва Ўзбекистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда бугунга қадар элликдан зиёд ҳужжат имзоланди. Бу битим ва шартномалар орқали муносабатларимизга ҳуқуқий асос солинди. Биз барча ҳужжатларнинг амалга оширилишига катта аҳамият бермоқдамиз. Уларнинг бажарилиши йўлида пайдо бўлиши мумкин бўлган камчиликларни биргаликда қисқа муддат ичида бартараф қилишга тайёрмиз.

Туркия ўтиш даврини бошидан кечираётган Ўзбекистонга ҳар соҳада қўлидан келганча ёрдам беришни ва қўллаб-қувватлашни сиёсий ва маънавий мажбурият деб ҳисоблайди ва шундай фикрда қолади. Ўртамизда ҳеч қандай сиёсий муаммо йўқ. Бу қувончли ҳол иқтисодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш имконини яратади.

Хусусан, савдо-иқтисодий, маданият, илм-фан, банкчилик соҳасида, қуруқлик ва ҳаво йўллари орқали юк ва йўловчилар ташиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, шунингдек бошқа жабҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида имзоланган ҳужжатлар асосида улкан ишлар амалга оширилди.

**— Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар хусусида фикрингиз?**

— Мустақиллик эълон қилинган кундан буён Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов бошчилигида бозор иқтисодига ўтиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини яқиндан кузатиб боряпмиз. Биз бу йўлни қўллаб-қувватлаймиз ва унинг муваффақият қозониши учун кўмак беришга тайёрмиз. Туркия хусусий секторини қўшма корхоналар очишга йўналтириш бу борадаги таъсирчан услублардан биридир. У мамлакатларимиз халқлари орасидаги хусусий алоқаларга ва дўстликка асосланган муносабатларимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Шуниси қувончлики, ҳамкорлигимиз қишлоқ хўжалигидан саноатга қадар, барча соҳаларни қамраб олмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўлидаги ғайрат-шижоатлари қисқа муддатда ижобий натижалар келтиришига умид қиламиз.

**— Хорижий мамлакатларнинг маҳсулотлари Ўзбекистон бозорига тобора кўпроқ кириб келмоқда. Бу рақобатда Туркиянинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?**

— Ўзбекистон иқтисодий имкониятлардан кун сайин тобора яхшироқ ва кўпроқ фойдаланишга эришмоқда. Бунинг натижасида мамлакатингиз ҳадемай халқаро бозорга кира олади.

Эркин рақобат бозор иқтисодиётининг муҳим қисмидир. Турк маҳсулотлари бошқа мамлакатларнинг маҳсулотлари билан рақобатда бўлиши керак. Бу аввало, қардош ўзбек халқининг фойдаси учундир. Шу сабабли чет эл молларининг Ўзбекистон бозорига кириб келишидан чўчимаслик керак, деб ўйлайман. Биз Ўзбекистон билан савдо муносабатларимизни ҳам бир томонлама олиб бормаймиз, балки ҳар томонлама муносабатларнинг бир қисми деб ҳисоблаймиз. Турк тадбиркорлари ҳам чет эллик бошқа ишбилармонлар каби ўз саноат технологиялари ва тажрибаларини Ўзбекистонга масъулиятни ҳис қилган ҳолда таклифлар қиладилар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон эга бўлган бой имкониятлар ва мамлакатимизнинг тажрибалари бу соҳада ҳам тўлиқ ҳамкорлик қилиш имконини беради. Биз муносабатларимизни рақобат асосида эмас, дўстлик ва бир-бирини тушуниш асосида мустаҳкамлашни истаймиз. Биз ҳеч қайси мамлакат билан мусобақалашиш ниятида эмасмиз. Зеро барча минтақа мамлакатлари билан самимий ҳамкорлик ўрнатишнинг фойдасига ишонамиз.

**— Яқинда мамлакатимизга расмий ташриф буюрасиз. Ташриф давомида Ўзбекистон билан Туркия муносабатларига оид қандай муҳим ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда?**

— Икки давлат эга бўлган имкониятлар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада юксалишига ишонч уйғотади. Шу сабабли Ўзбекистон ва Туркия ўртасида товар, хизмат ва сармоя айланишини яна ҳам фойдали ва эркин ҳолга келтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонга ташрифим чоғида менга йирик ва таниқли ишбилармонлар гуруҳи ҳам ҳамкорлик қилади. Улар ўзбек ҳамкасблари билан фойдали учрашувлар ўтказиши шубҳасиз. Шу муносабат билан икки давлат ўртасида виза масалаларини енгиллаштириш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасида ҳужжатлар имзоланишига умид қилмоқдамиз.

Иқтисодий, савдо алоқаларининг ривожланиши ва мавжуд ҳамкорликнинг кенгайтирилиши учун қўшма иқтисодий комиссия муҳим вазифаларни зиммасига олишига имонимиз комил. Бундан ташқари, транспорт, банкчилик ва қишлоқ хўжалиги каби муҳим соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг тобора кенгайиб бориши кутилмоқда.

**(ЎзА)**





СУРАТЛАРДА: Туркия манзаралари.

### Эрдўғон АЙТУН:
## АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИГИМИЗНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

*Илгари хабар берилганидек, шу йилнинг 9-10 июль кунлари Туркия Республикасининг Бош вазири Тансу Чиллер расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади. Ўзбекистон ва Туркия муносабатларидаги ушбу муҳим сиёсий воқеа арафасида мухбиримиз Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Эрдўғон Айтунга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.*



**— Жаноб элчи, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳозирги ҳамкорлик алоқаларини қандай баҳолайсиз?**

— Ҳаммага маълумки, тарихи, дини ва тили бир бўлган икки дўст халқнинг ҳамкорлик алоқалари олис йилларга бориб тақалади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, эса мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янгича тус олди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг уни дунёда биринчи бўлиб Туркия Республикаси тан олди ва ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган азалий дўстлик ришталарини қайта боғлашга киришилди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Президентининг Туркияга, Туркия раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифлари самараси ўлароқ бир неча ҳужжатлар имзоланди. Айни вақтда имзоланган бу ҳужжатлар икки давлат ўртасида иқтисодий ва техник ҳамкорлик ривожи ҳамда қўшма корхоналар ташкил қилиш учун хизмат қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йилнинг июнь ва октябрь ойларидаги Туркияга қилган расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда кенг имкониятлар очиб берди. Ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди.

Шуниси эътиборлики, 1993 йил охирида ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 240 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1994 йили бу рақам бир мунча камайган бўлса-да, 1994 йилнинг охирига келиб қайтадан ўсди. 1993 йилда Ўзбекистондан Туркияга 31,9 миллион доллар ҳажмида маҳсулот экспорт қилинди. Туркиядан олиб келинадиган товарларнинг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналари учун ускуналар, енгил саноат моллари ташкил қилади. 1994 йилда Ўзбекистонга экспорт қилинган товарларнинг 20 фоизи қанд ва қанд маҳсулотлари эди.

Қувончлиси шундаки, бугунги кунда икки мамлакатнинг ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик алоқалари иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Масалан, «ЎТ — Банк» Ўзбекистон — Туркия қўшма банкининг ташкил этилиши ҳам ана шундай ҳамкорликнинг далилидир. Унинг мақсади эса ўз мижозларига замонавий банк хизмати кўрсатишдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркиянинг 172 та қўшма корхоналари ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Бурсел», «Язикс», «Ай-Сел», «Акжа тижорат» каби фирма ва қўшма корхоналар иқтисодий алоқаларимизни мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган фирмалар сони тобора ортиб бормоқда.

Шуни ҳам айтиш кераки, Тошкентда мамлакатимизнинг «Турк ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бўлимининг кенг кўламда фаолият кўрсатаётганлиги мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада юксалишида қўл келмоқда. Қолаверса, икки давлат ўртасидаги мавжуд таълим-тарбия ва маориф лойиҳалари юқори даражада эканлиги, юртингизда бир неча турк лицейларини очилганлиги маданий ҳамкорлигимизнинг ижобий самараларидандир.

**— Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида нима дея оласиз?**

— Мустақилликка эришган ҳар қандай давлат дастлаб маълум бир қийинчиликларни бошидан кечириши, табиий. Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни ўткинчи ҳол деб, баҳоламоқ керак. Мамлакатингиз ҳозир сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни муваффақиятли кечмоқда. Ўзбекистон ўзининг Марказий Осиёда тутган мавқеи ва иқтисодий имкониятлари билан кўпгина давлатлар эътиборини жалб этмоқда. Президент Ислом Каримовнинг оқилона раҳбарлигида Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини тинч-тотув яшаш, ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида амалга ошириб, бир неча халқаро ташкилот, уюшма ва жамғармаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Ўзбекистон Президенти «иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмаган давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлолмайди», деган эди. Бу жиҳатдан мамлакатингизда қатор тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва кичик хусусий корхоналар барпо этиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларни Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон банки томонидан юқори баҳоланиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Энг муҳими эса мамлакатингизда барқарорлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистонни юксак тараққиёт йўлига олиб чиқадиган реал имкониятлари кўп. Қолаверса, юртингизнинг тўрт йиллик мустақиллик даврида эришган ютуқлари ва бундан буён қай йўлдан бориши, нималарга эътибор бериш ҳақида Ўзбекистон Президенти И. Каримов ўзининг янги «Ўзбекистон — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида батафсил тўхталган. Қисқаси, мамлакатингиз бу аниқ йўл ва имкониятлар орқали жаҳондаги йирик ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиши шак-шубҳасиздир.

Ўйлайманки, Туркия Республикасининг Бош вазири Тансу Чиллернинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам икки дўст ва қардош мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг равнақи йўлида хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.**

## ДЕНГИЗЛАР ҚУЧГАН ЮРТ

***Туркия Республикаси Осиё ва Европа қитъаси ўртасида жойлашган йирик мамлакатлардан биридир. Мамлакатни ғарбдан Эгей денгизи, шимолдан Қора денгиз ва жанубдан Ўрта ер денгизи ўраб туради. Қора денгиз Туркия Республикасининг бошқа қитъалар билан ҳамкорлик қилишида муҳим аҳамият касб этади. Майдони 779,814 кв. километрни ташкил этади. Аҳолиси 61,2 миллион киши.***

Ҳозирги кунда Туркия жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Унинг ташқи иқтисодий алоқаларида Германия, АҚШ, Франция, Италия, Саудия Арабистони ва Голландия мамлакатлари асосий ўринни эгаллайди. 80-йилларда ўтказилган ислоҳотлар натижасида мамлакат саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Чет эл сармояларини кенг жалб қилиш, корхоналарга эркинлик бериш Туркияда ишлаб чиқаришнинг ўсиши бош омилидир. Ҳар йили миллий маҳсулот ҳажми 5 фоиздан ўсиб, 1980 йили ҳар бир киши ҳисобига 1048 долларни ташкил этган бўлса, 1993 йилга келиб унинг ҳажми 2883 долларга етди.

Бугунги кунда ҳам мамлакат саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларига хорижий сармоялар кенг жалб этилмоқда. Табиийки, бунинг учун қулай шарт-шароит яратилаётир. Агар 1981 йилда мамлакат иқтисодиётига атиги 663 миллион доллар ҳажмида чет эл сармоясини киритишга эришилган бўлса, 1994 йилнинг октябрида бу кўрсаткич 13,8 миллиард долларни ташкил этди. Бундай ҳолни банк ва туризм тизимида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатда туризмнинг тараққий этишидан катта даромад олинаётир. 1994 йилда Туркияга 6,7 миллион киши сафар қилганди. Бундан кўрилган даромад эса 4,3 миллион долларга етди.

Мамлакатнинг хорижга чиқишида денгиз йўллари муҳим ўрин тутади. Уч томонлама денгиз билан ўралган Туркияда уни чет мамлакатлар билан боғловчи 15 та йирик порт мавжуд.

Мустақиллигимиз шарофати боис Туркия билан ҳамкорлигимиз янгича тус олди. Ўзбекистон Президентининг Туркияга, Туркия раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифи натижасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йилнинг июнь ва октябрь ойидаги Туркияга сафари икки дўст мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларимизда янги имкониятлар очилди.

Эътиборли томони шундаки, 1993 йил охирида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 240 миллион долларни ташкил қилди. Ўша йили Ўзбекистон Туркияга 31,9 миллион доллар ҳажмида товар экспорт қилган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 78,5 миллион долларга етди. Ўз навбатида Туркиядан ҳам 1993 йилда 213,5 миллион доллар, 1994 йилда эса 64,5 миллион доллар ҳажмида товар экспорт қилинди. Туркиядан мамлакатимизга олиб келинадиган товарларнинг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналари учун асбоб-ускуналар, енгил саноат моллари ташкил этади. Юртимиздан Туркияга пахта толаси, ипак, газмол, мис, алюмин ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинади.



СУРАТДА: Туркияда чой йиғими.

Айни пайтда Ўзбекистонда қардош мамлакатнинг 172 та қўшма корхоналари, шунингдек, фирма ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда. «Бурсел», «Язикс», «Ай-Сел», «Акжа тижорат», «Демир» каби қатор фирма ва қўшма корхоналар иқтисодий алоқаларимизнинг равнақида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда эса мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя сарфлаш иштиёқидаги Туркия фирма ва компаниялари сони ортиб бормоқда. Негаки, юртбошимизнинг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада янги имкониятлар очиб берди.

Туркия билан иқтисодий алоқаларимиз йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Масалан, «ЎТ-Банк» — Ўзбекистон — Туркия қўшма банкининг юртимизда ташкил этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Ҳозирги кунда «ЎТ-Банк» ходимлари ўз мижозларига замонавий банк хизмати кўрсатмоқда.

Маълумки, иқтисодий ва маданий соҳадаги алоқаларимизнинг янада ривожланишида транспорт ва ҳаво йўллари муҳим ўрин тутади. Бу жиҳатдан қудратли «Турк ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг пойтахтимизда ўз бўлимини очганлиги қувончли ҳолдир.

Бугунги кунда тарихи, тили ва дини бир бўлган икки дўст халқнинг маданий алоқалари ҳам равнақ топмоқда. Туркия Республикаси Бош вазири Тансу Чиллернинг юртимизга расмий ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларини янада мустаҳкамланишига салмоқли ҳисса қўшиши шак-шубҳасиз.

**Ф. ЧОРИ ўғли,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «КЎК ЮЗИ, ЕР ЮЗИ ҲАЛОЛЛАШГАЙДИР...»

*Нажиб Фозил 1905 йилда Истанбулда туғилиб, 1983 йилда вафот этган улуғ шоир, адиб, драматург, киносценарист ва моҳир тадқиқотчи-мақоланависдир. Ҳозир Туркияда унинг 60 жилдлик асарлар тўплами нашр этилган. Ҳаётининг сўнгги йилларида «Султон-уш Шуаро» (Шоирлар Султони) унвонига сазовор бўлган. Бу йил таваллудининг 90 йиллиги кенг нишонланади. Қуйида Нажиб Фозил шеърларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.*

*Нажиб ФОЗИЛ*

### КЕЛАР

*Парвона деганинг чироққа келар,*
*Сувлар бурам-бурам ирмоққа келар.*

*Бир жой бор: азалу абад ораси.*
*Қара, на у ёқ, на бу ёққа келар.*

*Ғам чекма, ўзгармай қолмас бу даврон,*
*Ниҳоят охирги туроққа келар.*

*Йиртилар қуёшнинг қоп-қора зари,*
*Дунёмиз яп-янги бир чоққа келар.*

*Ракетлар автобус бўлар ва навбат*
*Нурдан ҳам тезучар Буроққа келар.*

*Кўк юзи, ер юзи ҳалоллашгайдир,*
*Нур қочган еридан тупроққа келар.*

*Бирлашар яланғоч новда, ёниқ кўк,*
*Ям-яшил бир шуъла япроққа келар.*

### ДЎСТ

*Хаста бўлсам дармоним китоб.*
*Осмонимда порлаган офтоб.*

Миразиз АЪЗАМ таржималари.



## БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

(Репортаж)

***Қурилиш соҳасида қирқ йиллик бой тажрибага эга бўлган Туркиянинг «Юкселиншоот» корпорациясига қарашли «Ай-сел» фирмаси бунёдкорлари Марказий Осиё давлатларида ҳам йирик иншоотлар барпо этиш мақсадида бундан бир неча йил аввал Тошкент шаҳрида иш бошлаган эди.***

Биз мазкур фирманинг бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун улар қўним топган пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесига — «Ғалаба боғи»га борганимизда ёз қуёшининг заррин нурлари Тошкент телеминорасининг юқори қисмидагина жилваланиб турарди. Лекин шунга қарамай, коржома кийган турк йигитлари улкан қурилиш иншоотлари атрофида ҳамон куймаланишиб юришарди. Улар иккинчи сменани қабул қилиб олган қурувчилар эди.



Ранг-баранг чироқлар нури остида ажойиб манзаралар касб этаётган кўл бўйида эса дам олувчилар қаҳқаҳаси, шўх-шодон мусиқалар садоси тинимсиз янграйди. Бу ерда жаҳондаги машҳур истироҳат боғларида ҳам кам учрайдиган қизиқарли ўйин-томошалар мажмуасидан тортиб, ҳавода муаллақ юриб сайр қилишга мўлжалланган электросим йўлларигача бор эди.

Дарҳақиқат, бугун Тошкент шаҳрининг қоқ ўртасида жойлашган бу сўлимгоҳ таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Айниқса, бу ернинг оқшом ҳавосида дам олишнинг ғашти бошқача. Атрофни чулғаб олган камалаксимон нурлар тароватида бутун тани вужудингиз яйрайди.

Биз «Ай-сел» фирмасининг Марказий Осиё бўйича бошқарувчиси Муродбек Таймаз билан суҳбатлашганимизда агар мажмуа тўлиқ ишга тушса Тошкент шаҳри ҳуснига ҳусн қўшажагини айтди.

Шундан сўнг биз қад кўтараётган иморатлар лойиҳаси билан танишиб чиқдик. Лойиҳа макетини кўриб, гўзал Тошкент шаҳрининг яна икки йилдан сўнг жамолини тўлиқ тасаввур этдим. Бу ерда иш юритиш, ахборот-тарғибот, халқаро тижорат марказларининг улкан бинолари ва беш юлдузли муҳташам меҳмонхона, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкига қарашли иморатлар мажмуи қад кўтаради. 500 ўринли муҳташам меҳмонхона жаҳондаги энг зўр «ҳотел»лар билан тенглашса, миллий банк биноси эса Ўрта Осиёдаги ягона иншоотлиги билан эътиборга лойиқ. Мазкур иншоотлар оралиғида халқаро савдо-сотиқ дўконлари ва автоуловлар сақлаш учун махсус жойлар бўлади. Тошкент метросининг Юнусобод йўли худди мана шу марказлар ёнидан ўтиши мажмуаларга янада катта салобат бағишлайди.

— 1996 йилнинг август ойида меҳмонхонани фойдаланишга топширамиз, — дейди Муродбек Таймаз, — 1997 йилнинг биринчи сентябрида, яъни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами куни қадимги Буюк ипак йўли марказини қуриш учун олиб борилган ишлар ниҳоясига етади.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ТУРКИЯ**



**ЎЗБЕКИСТОН**





## *Ўзбекистон-Туркия дўстлиги ва қардошлиги риштaлари тобора мустаҳкамланаверсин!*

UT-BANK

UZBEKISTAN TURKISH BANK

**"ЎТ-Банк" Ўзбекистон-Туркия қўшма банки Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркия Республикаси Бош вазири Тансу Чиллер**

*ўртасида бўлиб ўтадиган музокаралар ва дўстона мулоқотлар чоғида ҳар икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада юқори поғоналарга кўтарилишига ишонади. Зеро, ўтмиши, маданияти, тили, дини, тарихий келиб чиқиши ҳамда бошқа кўплаб сифатлари бир бўлган қардош ўзбек ва турк халқлари бир-бирларига нисбатан чуқур самимият ва юксак эҳтиром билан муносабатда бўлишади. Улар Ўзбекистон ва Туркиянинг ҳар бир соҳадаги ҳамкорликларини тўла қўллаб-қувватламоқдалар.*

*Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркиянинг ўзаро тенг манфаатлилик ҳамда ишончли шерикчиликка асосланган ҳамкорликлари иккала мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини қамраб олгандир. "ЎТ-Банк "-Ўзбекистон-Туркия қўшма банкининг ташкил этилиши ҳам ана шундай ҳамкорликларнинг самараларидан биридир.*

*"ЎТ-Банк" Ўзбекистон Республикаси акционерлик тижорат деҳқончилик-саноат банки ҳамда Туркия Зироат банки муассислигида ташкил қилинган бўлиб, унинг умумий сармояси 2 миллион АҚШ долларини ташкил этади.*

*"ЎТ-Банк" жаҳоннинг жуда кўп жойларида ўз ҳамкорларига эга.*

*"ЎТ-Банк" халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиш ваколатига эга. Ўзбекистонлик ва чет эллик мижозлар (ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар) унинг хизматидан фойдаланишлари мумкин.*

*Умуман, "ЎТ-Банк"нинг фаолият доираси ранг-баранг ва кенг қамровлидир. Унинг асосий мақсади ўз мижозларига энг қулай ва энг сифатли банк хизмати кўрсатишдан иборатдир.*

*"ЎТ-Банк"нинг эшиги сизлар учун ҳамиша очиқ!*

*Қўшимча маълумотларни банкнинг ўзидан олишингиз мумкин.*

**Бизнинг манзилимиз:**

**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 3-мавзе, 74-уй.**

**Телефонлар: 77-44-95, 77-59-67.**

**Факс: 77-34-08.**

**Телекс: 116-623-VTB.**

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА
ШАНБА САҲИФАСИ

Бухорода вилоят енгил саноат корхоналари — «Бухоротекс», «Нигора», «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятларининг доимий ишлайдиган савдо кўргазмаси очилди.

Маълумки, маҳсулотни фақат ишлаб чиқариш эмас, уни харидорга кўз-кўз қила билиш ҳам бозорнинг муҳим талаби. Савдо кўргазмаси ташкилотчилари буни ҳисобга олган ҳолда газмол ва кийим-кечакнинг энг янги намуналарини намойиш этмоқда.

Навоий вилоятида қозоқ халқининг улуғ оқини Абай таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланмоқда. Юбилейга атаб Томди, Конимех ва Учқудуқ туманларида яшаб ижод қилаётган қозоқ оқинларининг айтишувлари ташкил этилди. Томди туманидаги «Оқтўв» бадиий ҳаваскорлик дастаси Абай асарлари асосида театрлаштирилган концерт тайёрлади. Конимех туманидаги Абай номли мактабда ўтказилган адабий кеча, айниқса, қизиқарли ўтди.

ШАНБАДАН ЖУМАГАЧА

Андижон вилоят халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан Ёшлар ижодиёти марказида Чет тилларни ўрганиш маркази ташкил қилинди.

Бу ерда инглиз, немис, француз ва шарқ тилларини чуқур ўргатиш учун танлов асосида саралаб олинган 9-11-синфларнинг ўқувчилари дарсдан бўш вақтларида тажрибали тилшунослар раҳбарлигида махсус ишлаб чиқилган дастур асосида шуғулланадилар.

Самарқанд давлат дорилфунунида улуғ мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллигига бағишланган анжуман бўлди. Унда сўзга чиққан олим ва адиблар алломанинг илмий-ижтимоий фаолияти, адабий мероси ҳақида гапирдилар. Беҳбудийнинг набираси — Тожикистондан ташриф буюрган таниқли журналист ва таржимон Мидҳатхон Беҳбудий бобоси ҳақидаги хотиралардан сўзлаб берди.

Пойтахтнинг гўзал гўшаларидан бирида жойлашган Тамарахоним уй-музейи санъаткорнинг хотира куни ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Опани эслаб, руҳини шод этгани унинг қариндош уруғлари, мухлислари, касбдошлари бу ерга тўпланди. Санъаткорни яқиндан билган кишилар рақс маликаси билан бўлган унутилмас учрашувлар ҳақидаги хотираларидан сўзлаб бердилар. Тамарахонимнинг шогирдлари, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, Ҳамза, Успенский номидаги мусиқа билим юртларининг талабалари ижросида концерт намойиш этилди.

• Юзма-юз

Ҳамид ТЎХТАЕВ:

## АКТЁРЛАРНИНГ ҲАЁТИ ҲАМ СПЕКТАКЛГА ЎХШАБ КЕТАДИ

***Кўпдан бери театр актёрлари ҳаётига қизиқиб келаман. Ҳар куни, ҳар соатда, ҳар дақиқада ўйнаётган роли ҳақида ўй суришади, ижодий изланишади. Устоз санъаткор Соиб Хўжаевга ўхшаб ўзларидан ҳар чиқишларида нимадир қўшгилари келади: сўзми, ҳаракатми...***

Муқимий театрининг етакчи актёри Ҳамид Тўхтаевнинг ҳар бир ролида, ҳаракатларида ана шундай хислатни кузатасиз.

— Ҳамид театр учун туғилган у ролга шундай киришиб кетадики, ўзлигини унутиб қўяди, — дейишади ҳамкасблари.

— Мактабда ўқиб юрган кезларим, — деб хотирлайди ёшлик йилларини Ҳамид Тўхтаев. — Тошкент маданият техникумида ўқийдиган бир талаба диплом ишини бизнинг мактабда ёқлайдиган бўлди. У драма тўгарагимизни 2 пардали спектаклга тайёрлади. Спектаклда урушдан кейинги ҳаёт воқеалари тасвирланганди. Изтопарлар гуруҳига кирган Серёжа дўстлари билан қидирув давомида бедарак йўқолган амакисининг қабрига дуч келади. Амакиси қаҳрамонларча ҳалок бўлган экан. Мен ана шу Серёжа ролини ижро этганман. Ўша студент мени ёнига чақириб: «Сен албатта мактабни битириб, Тошкентга кел, ўқи, сендан яхши актёр чиқади!» деганди. Таниқли режиссёр, моҳир актёр, устоз Раззоқ Ҳамроев Бухоро вилоятининг Садриддин Айний номидаги драма театрида курс очмоқчи бўлганлар. Шу киши менинг буёқларга келиб қолишимга сабабчи бўлган. Вилоят бўйича ўтказилган танловда 63 талабгордан фақат учтаси кўрикдан ўтган. Шу учликдан бири мен эдим. Тошкентда театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олиш билан бирга Муқимий номли мусиқали театрда иш ўргандик.

Баъзан ўйланиб қоламан. Актёрларнинг ҳаёти ҳам бир спектаклга ўхшайди. Ҳамиша зиддиятлар ичида яшайди. Ҳамид Тўхтаев «Ака-ука совчилар»да Нортой, «Юсуф ва Зулайҳо»да Юсуф. «Нодирабегим»да Маъдалихон, «Дилафрузга тўрт ошиқ»да Жамил, «Давлат болалари»да Бахтиёр, «Тошкентга саёҳат»да Иброҳим, «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод, «Севги нидоси»да Нодир, «Куёвлар конкурси»да Валижон, «Тўйлар муборак»да Неъматилла ва яна бир қатор роллар орқали томошабинлар назарига тушди.



— Бирор образ (қиёфа) яратаётганда ўзлигимизни унутиб яшаймиз. Тўғри, бу машғулот одамни сал қолса, гангитиб ҳам қўяди. Ғалати-ғалати воқеалар бўлади. Ҳатто ўз юрагингиз билан эмас, унинг юраги билан яшайсиз... Оддий мисол «Юсуф ва Зулайҳо»да масжидга бориб, номоз ўқишни ўргандим. Қуръон сураларини ёд олдим, қироат билан ўқишни машқ қилдим. Ўша даврда бундай ишларга йўл йўқ эди-ю, аммо спектакл учун керак эди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким бунга монелик қилмади.

Яқинда ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра» спектаклини премьерага тайёрладик.

**— Оилангиз ҳақида...**

— Турмуш ўртоғим Мушаррафхон билан икки фарзандни тарбиялаяпмиз. Каттаси Отабек 5-синфда ўқийди, қизим Хумора ҳали ёш.

**— Янглишмасам, кўпроқ ижобий қаҳрамонлар ролида ўйнайсиз.**

— Тўғри, режиссёрлар кўпроқ ижодий ролларга таклиф қилишади. Аммо салбий қаҳрамонлар ҳам яратишимиз керак. Кузатишларга қараганда, бир йўналишдаги ролларни ўйнаган актёрлар вақт ўтиши билан «қотиб» қоладилар. Шунда улар ўзларига қарама-қарши бўлган қиёфаларни ярата олмайдилар. Мен кўпинча ижобий роллар билан бирга, салбий роллар ўйнашга ҳаракат қиламан. Ҳатто чет эл санъат усталари каби ҳамма босқичларни босиб ўтишни, ҳар қандай қиёфаларни универсал тарзда ижро этишни орзу қиламан ва шунга интиламан.

**— Газетхонларга истакларингиз?**

— Театрларга тушиб туришсин, оилавий бўлиб тушишса, шунда театр тарбияси ҳаммага бирдек сабоқ бўлади. Театр — ҳамманики. Ижро этаётган ролларимиздан, куйлаётган қўшиқларимиздан озгина бўлса ҳам завқ-шавқ олсалар, бошимиз осмонга етарди. Яна нимаям дердик, театрда учрашгунча!

**Зоир ТУРСУНОВ суҳбатлашди.**

· *Қадриятларимиз*

## МЕҲМОН ВА МЕЗБОН

*Овқат ейишдан олдин аввал қўлни ювиш ва дастурхонга ўнг қўлни узатиш улуғ кишилардан қолган яхши хулқдир. Танаввул пайтида ҳадеб қимирлайвермаслик, кўп ейишга уринмаслик керак. Луқма кичкина-кичкина олиниб, оғиздаги луқмани ютиб улгурмасдан иккинчи луқмага қўл узатилмайди. Таомдан айб қидирилмайди. Агар овқат ёқмаса, индамасдан емай қўя қолинади. Агар бирор киши унинг ейишини кутиб турган бўлса, унинг хурсандчилиги ёки ҳурмати учун бироз бўлса ҳам тановвул қилинади. Овқат пуфланмайди. Балки совигунча сабр қилинади. Дастурхондаги мевадан жуфт-жуфт олинмайди балки тоқ олинади. Ҳар хил беҳуда сўзлар гапирилмайди. Меҳмон оз еса, кўпроқ ейишга даъват этилади. Аммо уч мартадан ортиқ даъват этмаслик керак. Бундан ортиқча зўрлаш ҳам одабсизлик ҳисобланади.*

*Меҳмоннинг вазифаси шуки, мезбонни хижолатга қўймаслиги керак. Уйида қанча овқат еса меҳмонда ҳам шунча емоғи мумкин. Борди-ю, овқат камроқ бўлиб бошқаларнинг тўйиб ейишини назарда тутган ҳолда ейишни тўхтатиш айиб ҳисобланмайди. Мезбоннинг хурсандчилиги учун унинг таклифига мувофиқ бироз ортиқча ейиш ҳам одобсизликка кирмайди.*

*Ўзга кишиларнинг овқат ейиш пайтини пойлаб, таклиф қилинмаган жойга овқат ейиш мақсадида кириш пасткашликдир. Иттифоқан овқат устидан чиқиб қолса, овқат таклиф қилувчининг сўзи чин дилдан эканини сезсагина ўтириб бирга овқат ейиши мумкин. Борди-ю, зарурат юзасидан таклиф этилганини сезса, узр айтиб қайтмоғи лозим. Агар овқат соҳиби синалган дўст бўлса, изнсиз ўтириши ва овқатидан ейиши мумкин.*

**«Одаб ас-солиҳин»дан.**




Ер юзи бўйлаб илк пиёда сафар (1897-1904 йиллар) АҚШ фуқароси Жорж Маттю Шиллингга тегишли. Аммо биринчи расман рўйхатга олинган дунё бўйлаб сафар сифатида унинг ватандоши Дэвид Кунст (1939 йилда туғилган) кўрсатган натижа эътироф этилади. 1970 йил 20 июнь куни йўлга отланган Кунст сўнгги манзилга 1974 йилнинг 5 октябрида етиб келган.

Аргентиналик Томас Карлос Перейра (1942 йилда туғилган)га эса беш қитъа оша 48 минг километр йўлни босиб ўтиши учун роппа-роса 10 йил (1968 йилнинг 6 апрелидан 1978 йилнинг 8 апрелигача) керак бўлди.

Улар-ку, майли, тўрт мучаси соғлом эдилар. Аммо канадалик яримжон Рик Хансен (1957 йилда туғилган)нинг қилмишини нима деб таърифламоқ керак? 1973 йили у автомобилда ҳалокатга учради ва танасининг қуйи қисми буткул фалажлангани сабабли тўшакка михланди. Аммо қисматига тан беришни истамаган Хансен 1985 йилнинг 21 мартида ногиронлар аравачасида дунё бўйлаб сафарга отланди. Тўрт қитъанинг 34 мамлакатида бўлди, жами 40074,06 километр йўлни босиб ўтди. Сафари бошланган шаҳар — Ванкуверга у 1987 йил 22 май куни кириб келди.

***

Сайёҳлар ичида рекордчилар сифатида эса АҚШнинг Огайо штатидаги Акрон шаҳрилик Парк Г. Томпсон ҳамда Италиянинг Турин шаҳрилик Жоржио Рикаттолар тан олинишади. Уларнинг ҳар бири жами 170 мустақил давлатда, шунингдек, 61 тобе ва 62 турли мақомдаги бошқа мамлакатларда бўлишган. Бориб кўрмаганлари — фақат Ҳинд океанининг жанубий қисмида жойлашган Херд ва Макдоналд ороллари қолган, холос.

***

1971 йили «Аппполон-15» космик кемасининг кичик модули фазогирлар билан биргаликда Ер йўлдоши ҳисобланмиш Ойга қўндирилди. «Аппполон-15»ни бошқариб орбитада 30 июлдан 1 августга қадар фазогир Алферд М. Уорденнинг ёлғиз ўзи қолди ва уч кун мобайнида энг яқин жойдаги одамлардан 3596,4 километр узоқликда бўлди. Шу тариқа Уорден одамлардан энг узун масофа йироқликда бўлган шахс сифатида рекордлар китобидан ўрин олди.

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЁКИ МАҚОЛЛАР ИЗОҲИ

### БАҚҚОЛНИНГ БУРНИ — ШАЙИН, КЎЗИ — ПАЛЛА

Ўтмишда асосан озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчи майда савдогарларнинг аксарияти кишилар ҳаққига хиёнат қиларди. Бу нарса кишиларда уларга нисбатан нафрат уйғотарди. Мазкур мақолда оз бўлса ҳам торозидан уриб қолиш ниятида бурнини шайинга тўғрилаб, икки кўзини икки палладан узмаган ҳолда титраб-қақшаб нарса тортувчи боққолнинг ҳолати тасвирланган.

### ЁР-ЁРИДАН ХАРОБ, ЁР — МЕНДАН ХАРОБ

Мазмуни: севишиб қолган ёхуд энди турмуш қурган бир-биридан баттар камбағал йигит-қиз (эр-хотин) тилидан айтилган ёинки шундайларга нисбатан қўлланилган. Яна «у қўлим бу қўлимга қараб йиғлайди», деган мақолда ҳам қўлида ҳеч ваҳоси бўлмаган камбағал, йўқсил, бева-бечоралар ўзларининг аянчли ҳолларини баён қилганлар, турмуш уринишларидан ниҳоятда қийналиб кетганларида афсусланиб айтганлар.

МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?



## БИБИ МАРЯМ... ШОИРА БЎЛГАНМИ?

***Яқинда бир танишим Биби Марям шоира бўлган экан деб қолди. Шу тўғрими?***

**Раҳмонали УМАРОВ.**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон тумани.**

Ҳа, тўғри. Биби Марям (14-аср охири — 15-аср бошлари, Ҳирот) — ўзбек шоираси. (Бу унинг тахаллуси эмас). Аммо унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида етарли маълумот йўқ. Адабиётшунослардан Иброҳим Давроннинг «Ашъори нисвон» (1914) ва Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоиралари» (1959) тўпламларида Биби Марям шеърларидан келтирилган намуналар шоиранинг дунёвий муҳаббатни куйлаган, зулм-зўрликдан шикоят этган истеъдодли қалам соҳибаси эканлигини исботлайди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Биби Марям деганда кўз ўнгимизда Исо пайғамбарнинг онаси гавдаланади. У христианликда Богородица, Богоматерь, дева Мария; ислом динида Биби Марям деб аталувчи аёллар валиси, ҳомийси сифатида илоҳийлаштирилган. Унинг номи Қуръонда ҳам қайд қилинган ва у ҳақда турли афсоналар келтирилган.

• *Донолар бисотидан*

### ТЎРТ НАРСА КИШИНИ СЕМИРТИРАДИ...

Нақл қилишларича бир куни Аҳжож табибларга:

— Табиб, ҳамда дори-дармонларга ишим тушмаслиги учун зарур бўлган нарсалар ҳақида гапириб берсангиз, — деди.

Унга қуйидагича жавоб бердилар:

— Бирорта касалингиз бўлмагани ҳолда, бундан ҳам яхшироқ бўлай деб, беҳуда дори ичманг. Пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга уринг, нимаики ёқса, ўшандан тановвул қилинг, овқатдан сўнг сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлса-да, устига яна овқат еманг, кундузги овқат егандан сўнг ухламанг. Кечаси еганда эса дарров ётиб олмай, бир оз вақт сайр қилинг.

Билингки, тўрт нарса кишини семиртириб юборади: гўштни меъёридан ортиқча истеъмол қилиш, чиройли нарсаларга тикилиш, чўмилиш ва саёҳат қилиш. Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўру аччиқ нарсани кўп ейиш. Уч нарса кўз нурини оширади. Ухлаш олдидан кўзга сурма тортиш, сабзазорга тикилиш ва покиза либос кийиш. Уч нарса кўз нурини камайтиради: хунук нарсаларга тикилиш, душманни кўриш, нурга тикилиш.

**Абдулхақ ибн Сайфиддин.**

### АНУШЕРВОННИНГ ЖАВОБИ

Бир куни Анушервон мажлис уюштириб, ўз мулозимларидан сўради:

— Энг юмшоқ нарса нима?

Ўтирганлардан бири: «Шоҳи», — деди. Иккинчиси эса «товуқ пати» деди. Бошқа бирови эса: «Ипакдан ҳам юмшоқ нарса бўлиши мумкинми?» — деди. Мулозимлар орасида одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит ҳам бор эди. Анушервоннинг бу жавобларидан кўнгли тўлмаганлигини кўриб, сўзлашга ижозат сўради.

— Энг юмшоқ нарса тинчликдир, — деди у.

Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради:

— Энг яхши овқат-чи?

— Шаҳвоний ҳирсни оширмайдиган ва танда ҳеч қандай иллат туғдирмайдиган овқат энг яхши таомдир, — деди.

Анушервон яна ундан:

— Гулларнинг энг хушбўйи қайси?

— Энг ҳидли гул ота-онани тириклигида рози қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини абадийлаштирадиган қобил фарзанд, — деб жавоб берди йигит.

**«НИГОРИСТОН»ДАН.**

### ТАФАККУР ГУЛШАНИ

*Тийрак ақлинг бўла туриб фаросатинг бўлмаса — бу айтарли устунлик эмас: соатнинг қиммати ҳам тез юришида эмас, тўғри юришида.*

**Л. ВОВЕНАРГ.**

*Аҳмоқона, бемаъни, қаноатсиз яшаш чакки яшаш эмас, аста-секин ўлиш демакдир.*

**ДЕМОКРИТ.**

*Ўқимишли эзма — аҳмоқнинг энг ашаддий тури.*

**Ж. ТЕЙЛОР.**

*Одатда одамнинг кимлигини нимадан кулаётганига қараб билса бўлади.*

**У. МИЗНЕР.**



**Туёғинг темирдан бўлсин...**

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат-лавҳа.**




Танца тушаётган йигит қизга деди:

— Яхши қиз, мен ҳамма фикрларингизни ўқиб турибман, чунки сиз баайни очиқ китоб...

— Ўқисангиз ўқийверингу, лекин муқовани силашни бас қилсангиз бўларди.

***

Милиционер машина ҳайдовчидан сўради:

— Сиз қандай қилиб машинага маст ҳолатда ўтирдингиз?

— Ўртоқларим ёрдам беришди.




**Республика гидрометеорология маркази хабар қилади:**

8 июлдан 14 июлгача бўлган даврда республикамиз ҳудудининг катта қисмида ҳарорат қуруқ ва иссиқ бўлиши кутилади. Қисқа муддатли момоқалдироқ бўлиб ёмғир ёғиши ҳодисаси республикамизнинг баъзи бир тоғли ва тоғолди туманларида фақат ҳафтанинг бошида кузатилади. Ҳаво ҳарорати ушбу даврнинг бошида кечалари 20-24, кундуз кунлари 33-38 даража, жанубий вилоятларда ва чўл зоналарида кечалари 21-26, кундуз кунлари 36-41 даража иссиқ бўлади. Ушбу даврнинг ўрталарида ҳарорат 2-3 даража тушади. Ҳафтанинг охирига бориб, ҳарорат яна 3-5 даражага кўтарилади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• *БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

· МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — Ф. Санаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0303. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.00. 1 2 3 4 5 6